Гос. книжная палата УзССР

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 17 январь Шанба.
№ 5 (14498)

ЭЪТИРОФ

Бизнинг Ўзбекистон билан муносабатларимиз кун сайин тадрижий ва бир маромда ривожланиб бормоқда. Ушбу муносабатларнинг фаоллашувида тенгҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик тамойили асосида ишлаётган ҳар томонлама алоқалар бўйича украин-ўзбек қўшма комиссияси асосий ўринни эгаллайди. Мамлакатларимиз ўртасида 70 дан ортиқ давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланган бўлиб, бу украин-ўзбек муносабатларининг мустаҳкам пойдевори яратилганлигидан гувоҳлик беради.

Бутун ўзбек халқига ҳурматим баланд. Унинг меҳмондўстлиги ва ҳайрихоҳлигини, донишмандлиги-ю, улуғворлигини билган ҳолда биргаликда самарали ишлашга ва унинг яхши натижалар беришига умид қиламан.

В. ПУСТОВОЙТЕНКО,
Украина Бош вазири

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

16 ЯНВАРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛГАН УКРАИНА БОШ ВАЗИРИ ВАЛЕРИЙ ПУСТОВОЙТЕНКОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Ислом Каримов юксак мартабали меҳмонни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон-Украина муносабатлари жадал ривож топаётгани, икки мамлакат иқтисодий интеграциялашуви суръатининг тобора юксалаётгани ҳамда халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари қувонарли даражада мустаҳкамланаётганидан мамнуният билдирди.

-Ҳар икки мамлакат иқтисодиётида бири бирининг эҳтиёжини қондирадиган имкониятлар кўп, - деди Президент. - Шу маънода Ўзбекистон ва Украина ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган алоқалардан, шубҳасиз, ҳар икки мамлакат бирдек манфаат кўради.

Украина Бош вазири Ўзбекистонга ташрифи самарали ўтаётганини айтиб, Ўзбекистон-Украина қўшма комиссиясининг иккинчи ялпи мажлиси ҳар томонлама фойдали бўлганлигини қайд этди. Икки давлат раҳбарларининг ташаббуси билан қарор топган ва бугун ўзининг юқори поғонасига кўтарилган ўзаро муносабатларимиз мамлакатларимизнинг иқтисодий тараққиёти ва халқларимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Бош вазир Ў.Султонов, Ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Украинанинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси В.Сметанин ҳозир бўлди.

ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Украина Бош вазири В.Пустовойтенко 16 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ташриф буюрди.

Олий Мажлис Раиси Э.Халилов юксак мартабали меҳмонга юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, қонунчилик соҳасини такомиллаштириш борасида қўлга киритилаётган муваффақиятлар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Суҳбат чоғида томонлар икки мамлакат ўртасида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Шубҳа йўқки, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликнинг ривожида парламентларнинг ўзаро яқин алоқада бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Украина Бош вазири В.Пустовойтенко Ўзбекистон парламентининг янги биносини кўздан кечирди. Миллий меъморчилик анъаналари ҳамда замонавий услубларни ўзида мужассам этган ҳашаматли бинонинг ички ва ташқи қиёфасига, унинг энг сўнгги коммуникация техникаси билан жиҳозланганига юқори баҳо берди.

Учрашувда Украинанинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси В.Сметанин ҳозир бўлди.

ЎзА

"Туркистон" шарҳи

МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗГА ЭҲТИРОМ

Яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди. Мазкур ҳужжатнинг аҳамияти ҳусусида Маданият ишлари вазирлиги қошидаги музей ишлари бошқармаси бошлиғи, санъатшунос Барно Раҳимова шундай деди:

-- Музей деганда кўпчилик, айниқса ёшлар намойиш учун қўйилган экспонатларни томоша қилиш деб тушунишади. Аслида музей -- осори-атиқалар, юртимиз тарихи, маданияти, санъатига оид санъат асарларидан иборат экспонатларни ўзида жамлаган, уларни халққа таништирувчи даргоҳ! Очиғи ҳозирги шароитда аксарият музейларимизнинг аҳволи ҳавас қиларли даражада эмас. Лекин, Президентимизнинг Фармонлари музей ходимлари ва соҳа мутахассисларини жуда қувонтириб юборди, десам муболаға бўлмайди. Боиси унга асосан барча турдаги мавжуд музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида "Ўзбекмузей" жамғармасини ташкил этиш кўзда тутилган. Жамғарманинг асосий йўналишларидан бири эса республикамиздаги йирик музейлардаги экспонатларни қайта тиклаш, халқимизнинг бой маданий мероси, унинг инсоният тарихидаги ўрни, тараққиёт босқичларини ҳаққоний акс эттириш ҳамда замонавий ривожланиш истиқболларини чуқур ўрганиб, миллий истиқлол ғояларига мос экспозициялар яратиш, музейшуносликда умуммиллий сиёсатни амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

Ундан ташқари Фармонда таъкидланишича, музей ходимларининг касбий малакасини ошириш мақсадида "Мозийдан садо" маънавий-маърифий журнали таъсис этилади. Чет элларда сақланаётган тарихимизга оид осори-атиқалар билан халқимизни таништириш, халқ онгида умумбашарий қадриятларга, улкан ва бой миллий меросимизга ҳурмат, Ватанимизнинг буюк келажагига комил ишонч туйғуларини тарбиялаш, музейшунослик соҳасида халқаро алоқаларни, ҳамкорликни ривожлантириш, юртимизда ва хорижда кўргазмалар ташкил этиб, улар орқали ютуқларимизни жаҳонга танитиш, экспонатларни жаҳон миқёсида тарғиб қилишда ҳам ушбу Фармон муҳим аҳамиятга эгадир. Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳужжат республикамиз музейлари фаолиятини юқори поғонага кўтаришда ўзига хос дастуруламал бўлиб қолади.

Н. УСМОНОВА
"Туркистон" мухбири

ЮРТ РАВНАҚИ ЎЎЛИДА

"Умид" парвозлари

Шу кунларда Республикамиз Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармасига ҳужжат топширган йигит-қизлар учун имтиҳонлар давом этяпти. Ўзбекистон Банкмолия академияси биносида хорижда ўқиш нияти бўлган йигит-қизлар учун биринчи босқич синовлари ўтказилмоқда. Дарвоқе, бу йилги кириш имтиҳонлари тўрт босқичда бўлиб, ёшларнинг қайси мамлакатга боришларига қараб, ўша давлат тили, соҳа мутахассислигидан имтиҳонлар, умумий фикрлаш доираси, маънавият ва маърифат бўйича билимлари синаб кўрилади. Имтиҳон тугагач, бир неча ёшлар билан суҳбатлашдик:

Ҳабиб РУСТАМОВ:

-- Мен Жаҳон иқтисоди ва дипломатияси университети халқаро иқтисод факультетининг 4-курсида ўқийман. Жаҳоннинг юксак тараққий этган давлатларида иқтисодиёт, банк тизими, янги технологиялар, саноатнинг турли соҳалари бўйича пухта билим олиб, юртимиз иқтисодини ривожлантиришда ўз ҳиссамизни қўшувчи малакали мутахассис бўлиб қайтиш биз учун фахр ва шарафдир.

Нилуфар НИЗОМХЎЖАЕВА:

-- Термиз Давлат Университети иқтисодиёт факультетининг 5-курс талабасиман. Бугунги имтиҳонда барча топшириқлар немис тилида бўлди. Ана шу эътиборга жавобан биз ҳам ўз устимизда янада қаттиқроқ ишлашимиз, изланишимиз керак деб ўйлайман.

Меҳриддин ЎРИНОВ:

-- Тошкент меъморчилик-қурилиш институтида ўқийман. Ҳозиргина немис тили грамматикаси бўйича тест-синовларини топшириб чиқдик. Мақсадим Германияда таҳсил олиб, малака ошириб, давлатимиз равнақига хизмат қилиш.

Абдуқодир БОБОЕВ:

-- Тошкент электротехника алоқа институтининг телекоммуникация факультетида ўқийман. Ҳозир юртимизга замонавий компьютер технологияси бўйича мутахассислар жуда зарур. Менинг информатика соҳасида чет элда илм олиш орзуим бор.

Мирсобит ОЧИЛОВ, танлов ҳайъатининг раиси:

-- АҚШга борувчи ёшларнинг имтиҳонларида Американинг АКСЕЛС ташкилотидан вакиллар иштирок этишган эди Бугунги сиёновларда Германиянинг "ДААД" компанияси-Академик алмашинув бўйича Немис Хизмати таълим ташкилоти вакиллари 115 нафар даъвогардан имтиҳон олишди.

"Умид" истиқлол мевасидир. Унинг эзгу мақсади мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда жаҳон талаблари даражасида билим олган зукко, баркамол, Ватанга фидокорона меҳнат қиладиган, она юртни улуғлашга қодир ёш авлоддан халқ хўжалигининг устувор тармоқлари учун юксак малакали мутахассислар тайёрлашдир. Эзгу мақсад сари олға интилаётган ёшларга эса янгидан-янги зафарлар ёр бўлсин, деймиз.

НАЗОКАТ

спорт

ЕТТИ КУН ИЧИДА

Қўлга киритилган ғалаба, ютуқларнинг қувончли насимлари нақадар ҳузурбахш, тотли. Бу бахтга эса тинимсиз изланиш, меҳнатлар орқали эришилади. Азиз муштарий, бугундан бошлаб ҳафта ичида мамлакатимиз спорт ҳаётидаги турфа хил янгиликлар билан мунтазам таништириб боришга жазм қилдик. Бундан кўзланган мақсад Ватанимиз шону-шавкатини шарафлаётган спортчиларимиз, улар иштирок этаётган нуфузли мусобақалар... ҳақида огоҳ этишдир. Зеро, кичик бир сонияда серқуёш Ўзбекистонимиз номини яна қанчалаб сайёридошларимиз "кашф" этиб улгуришмаяпти, ахир.

НАГАННО ОЛИМПИАДАСИ ЯҚИН

Роппа-роса 22 кундан сўнг /7-22 феврал/ Японияда XVIII қишки Олимпиада ўйинлари бошланади. Айни паллада мезбонлар нуфузли мусобақа тайёргарлиги билан банд. Олимпия машъаласи эса Япон диёрига олиб келинди. 7 февралда оғирлиги 4 тонна, баландлиги 30 метрдан иборат -- ёнаётган гулханни акс эттирувчи /меъмор Кикутеп/ олимпия машъаласи ёқилади.

Ушбу беллашувларда Ўзбекистон шарафини фристайл, музда нафис учиш, тоғ чанғи спорти жамоалари муносиб ҳимоя этишади. Биз спортчиларимизга олдиларида турган масъулиятли мусобақаларда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

КАРАТЭЧИЛАР ФРАНЦИЯДА...

Куни кеча етти спортчидан иборат терма жамоамиз Ўзбекистон ҳаво йўллари орқали фаранглар юртига жўнаб кетишганди. Бугун эса Париж халқаро турнири 450 нафарлик 40 давлат вакиллари ўртасидаги мусобақани бошлаб юборди.

-- Очиғи, мусобақага жиддий ҳозирлик кўрдик. Чунки мусобақалар муросасиз кечади. Унда дунёга донғи кетган каратэчиларимиз билан бир қаторда умидли ёшларимиз ҳам иштирок этишади. Бундан ташқари Париж баҳслари орқали Оврўпода ҳам ўз мавқеимизга эришмоқчимиз, -- дейди биз билан суҳбатда республика каратэ миллий федерацияси инструктори Хўжамқул Хўжақулов.

МАҲОРАТ КЎРИГИ

9-11 январь кунлари пойтахтимизнинг муҳташам "Динамо" саройи яна теннис ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Чунки бу ерда Қуролли кучлар, миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, давлат Божхона хизмати, давлат Солиқ қўмитаси ходимлари ўртасида анъанавий турнир бўлиб ўтди. Кубок таснифида ўтказилган баҳслар якунига кўра миллий хавфсизлик хизмати жамоаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ички ишлар вазирлиги жамоаси иккинчи, Қуролли кучлар вакиллари эса учинчи ўринни эгаллашди. Турнир ниҳоясида ғолиб ва совриндорлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Г.А.ДАШЕВСКИЙ, турнир бош ҳаками:

-- Бу галги баҳслар ҳақиқий байрам тусини олди. Мухлисларнинг кўплигини айтмайсизми. Барча иштирокчиларининг оила аъзолари шу ерда жамулжам бўлишди. Энг муҳими бу турнир ходимлардаги профессионалларга хос маҳоратнинг яна бир кўригига айланди.

"НАВБАҲОР" БАЙРУТДА КУРАШАДИ

Қитъа чемпионлари кубоги турнирининг навбатдаги босқичи 22-26 феврал кунлари Ливан пойтахти Байрутда ўтказилади.

Унда 1996 йилги Ўзбекистон чемпиони Наманганнинг "Навбаҳор" жамоаси иштирок этиб, Саудия Арабистони, Ливан, Эрон вакилларига қарши майдонга тушади. Ушбу ғарбий гуруҳда 1-2-ўринларни эгаллаган жамоалар финалга йўлланма олишади. Ҳал қилувчи босқичга шарқий гуруҳдан ҳам икки жамоа чиқади.

Байрутдаги ўйинлар тартиби эса қуйидагича:

22 февраль
"Навбаҳор" /Ўзбекистон/ -- "Ал Ансор" /Ливан/
"Ал-Хилол" /Саудия Арабистони/ -- "Перузи" /Эрон/
24 февраль
"Навбаҳор" -- "Ал-Хилол"
"Ал Ансор" -- "Перузи"

26 февраль
"Навбаҳор" -- "Перузи"
"Ал Ансор" -- "Ал Хилол"

Гули Сора
БУРҲОНИДДИН қизи

-- Мақсадимиз аъло ўқиш, малакали мутахассислар бўлиб етишиш, -- дейди Навоий кон металлургия институти талабалари. Бу олийгоҳда таҳсил олаётган ёшларнинг барчаси ўз истеъдодлари билан танлаган касбларини пухта эгаллаётган йигаит-қизлар.

Суратда: Институт катта ўқитувчиси М.Файзиева бир гуруҳ бўлажак кончилар билан суҳбатлашмоқда.

Суратқаш: А.ГЕРАСИМОВ

«Камолот» ҳаётидан

ЧИНИҚИШ МУСОБАҚАСИ

"Камолот" жамғармасининг Бектемир тумани бўлими соғлом авлодни камолга етказиш йўлида қатор тадбирларни ўтказяпти. Куни-кеча 291-мактабда аскарлар билан ҳамкорликда ҳарбий-спорт ўйинлари ўтказилди.

Мактаб ўқувчилари ва аскарлар каратэ ҳамда таэквандо бўйича ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Мусобақаларда мактаб ўқувчилари фаол иштирок этишди. Ғолибларга "Камолот" жамғармаси туман бўлимининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

УЛАР СКАУТЧИЛАР

Чортоқ туманидаги 40-ўрта мактабда скаутлик ҳаракати бўйича намунавий ўқув семинари ўтказилди. Унда жамғарманинг шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари, Болалар ижодиёти марказининг вакиллари, мактаб етакчилари иштирок этишди. Семинарда скаутлик ҳаракати тарихи, уни вилоят ёшлари ўртасида оммалаштириш, ушбу ҳаракатнинг афзалликлари ҳақида гапирилди. 40-ўрта мактабнинг 24 нафар ўқувчиси шу куни скаутликка қабул қилинди.

Ҳозир вилоят бўйича 380 та ўқувчилар скаутлик ҳаракатига аъзо бўлди.

Б. БОЙМИРЗАЕВ.

"Туркистон" — SOS

Мамлакатимиз мустақил давлат сифатида жаҳонга танилди. Истиқлолга эришганимиздан кейин қўшма, хусусий ва бошқа турдаги корхона ва муассасаларнинг юртимизда пайдо бўлиши пешлавҳаларнинг хилма-хиллигига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, собиқ шўролар даврида кўча лавҳаларининг асосий қисми рус тилида ёзиларди.

ТИЛ -- МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Эндиликда бундай адолатсизликка барҳам берилди. Шаҳримиз кўчаларидан борар экансиз, баъзида ондасонда бўлса-да, инглизча, русча ва бошқа хорижий тиллардаги лавҳаларга кўзингиз тушади. Шунда озгина ранжийсиз. Ахир, бизда ўзбек тилига давлат мақоми берилганига анча бўлган-ку! Шундай экан, у қандай корхона, муассаса ва ташкилот бўлишидан қатъий назар пешлавҳалар давлат тилида ёзилиши керак. Агарда бирор бир бошқа давлат билан қўшма корхона очилган бўлса, пешлавҳа дастлаб ўзбекча кейин эса бошқа тилда ёзилиши жоиз.

Ҳозирда шаҳримизда жуда кўплаб пешлавҳалар янги қабул қилинган лотин алифбосида ёзилмоқда. Янги алифбо имло луғати кўп минг нусхада босмадан чиқди. Бундан ташқари дарсликлар чоп этилди ва телевидение орқали лотин алифбосида ҳар ҳафтада мунтазам дарс ўтилмоқда. Аммо, шаҳримиз кўчаларига назар ташласангиз ҳар қадамда имло хатосида ёзилган пешлавҳаларга кўзингиз тушади. Кўп ҳолларда Х-Ҳ товушларини фарқламаслик натижасида DORIHONA, OSHONA, MAICHI HIZMAT UYI, MASHINASOZLAR, DEXQON BOZORI каби имло хатолари билан ёзилган пешлавҳалар Тошкент шаҳрида қўпаймоқда.

Мактаб ўқувчиси диктант ёки иншо ёзганда юқоридаги каби имло хатоларга йўл қўйилса, биз албатта унинг баҳосини пасайтирамиз. Хатолар устида ўқувчилар билан ишлаймиз. Лекин, нима учундир шаҳримизда ҳар қадамда учрайдиган бундай лавҳаларга лоқайдлик билан муносабатда бўламиз.

Пешлавҳа ва бошқа лавҳаларни ёзишдаги камчиликларга чек қўйиш лозим. Буюртмачилар ва мутасаддилар раҳбарлар шу соҳанинг мутахассислари билан маслаҳатлашиб иш кўрсалар фойдадан ҳоли бўлмас эди.

Кўча лавҳаларидаги бундай қўпол камчиликларнинг олдини олишнинг ягона йўли махсус комиссия тузиб, уларни қатъий назорат қилиш. Керакли жойда уларга жарима солиш лозим. Давлат тилини ҳамма ҳурмат қилмоғи ва унга амал қилмоғи шарт.

Нормурод ЧИННИҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тилшунослик институти илмий ходими

«Туркистон» гурунги

Албатта она юртни, киндик қонинг тўкилган Ватанни ёмон деб бўлмайди. Чунки унда тимсол бор. Кўплар етмаган, кўплар тушунмаган.

Аммо магар ўша ерда андаккина адолатсиз, меҳрсизлик кўрсанг, кўнглинг ранжийди. Айбсиз айбдор бўлсанг ундан-да.

Нимагадир мен қишлоқда яшайман, десанг сенга ғалати қарашади баъзи олифталар. Уни сендек ҳеч ким тушунмайди.

Ҳар йил қишлоқ учун қиш қаҳрли, ёз важоҳатли, куз зарворли, баҳор соғинчли келади. Бир сўз билан айтганда, фасл меҳнатни елкангга ортади.

Суҳбатдошларимга берган саволимдан кейин узоқ чўзилган сукунат шу сўзларни баралла эшиттирди.

МЕН ҚИШЛОҚДА ЯШАЙМАН

-- Сизга қишлоқнинг қайси томони ёқади?

ДИЛФУЗА, 18 ёшда, талаба:
-- У ерда одамгарчиликнинг борлиги. Шаҳарда бировнинг биров билан иши йўқ экан.

Биринчи келган кунларим ўзимдан катталарнинг ҳаммасига салом бериб юрсам ғалати қарашди. Шунда роса қишлоқни қўмсадим.

ДИЛДОРА: 19 ёш:
-- Қишлоқда гоҳида пулсиз яшаш ҳам мумкин. Буни жамоа хўжалигимиз бошлиқлари ўтган йили яна бир бор тасдиқлашди. Аммо, уларни ҳам айбдор деб бўлмайди, нимага ахир қишлоқдошлар ўз меҳнат ҳақларини талаб қилиб олмайдилар. Шундан роса хафа бўлиб кетаман.

Ҳусанбой ВАҚҚОСХОН ўғли:
-- Дилдора тўғри айтади. Қишлоқ меҳнаткашининг соддалигидан кўпчилик фойдаланади. Мисол учун деҳқон йил бўйи ишлаб қовун-тарвуз етиштиради. Қаердаги олғирлар келиб, ''Хирмон боши -- мулкчилик'' деб арзон гаровга олиб кетишади. Яна оилада эски тос, эски ҳаммом-да.

НИЛУФАР, талаба:
-- Қишлоқнинг энг тан олиб айтиш керак томони бор. У бизни ҳаётга тарбиялайди. Ерга меҳр уйғотади. Меҳнаткаш қилади.

-- Қишлоқда яшашни бахт деб биласизми?

Наргиза ЁҚУБОВА: -- Албатта-ю... шу мен ҳохлаган шароит йўқлиги ёмон-да.

Ҳамроҳ МАМАТҚУЛОВА:
-- Аммо мен энг олий бахт деб ўйлайман. Қишлоқда яшашнинг нимаси ёмон. Одамнинг қаерда эмас, қандай яшашига боғлиқ. Бу ерда ҳам шаҳардагидек кичик корхоналар очиш, фермер хўжаликлари ташкил этиш мумкин-ку. Энг асосийси -- ер кўп. Ахир ҳозир ёшлар учун ҳамма ерда шароит етарли-ку. ''Чумчуқдан қўрққан тариқ экмайди'' дейишади. Ҳозир биз шундай бўлмаслигимиз керак.

Фарида РАҲМОНОВА, 13 ёшда:
-- Қишлоқда вақтинг бекорга ўтмайди. Яқинларинг билан биргасан...

-- Қишлоқдаги шароитни яхшилаш учун сизнингча нима қилиш керак?

ЗУЛФИЯ:
-- Биринчи навбатда ёшларни бирлаштириш керак. Қишлоқда қобилиятли ёшлар қанча. Аммо, улар ўқишга кетиб, шароити яхши бўлган шаҳарда қолишади. Ўшалар келиб ўзгариш қилиши мумкин-ку.

Назира ХУДОЙНАЗАРОВА:
-- Анчадан буён фойдаланилмаётган кино клубларини ишга туширишкерак.

Зоҳид РАҲИМОВ:
-- Ота-онамиз бизга ишонишлари керак. Ўтган йили ер олиб деҳқончилик қиламан десам, кичкинасан деб қўйишмади. Қачонгача бизга ишонишмайди.

Фарида ОЛИМЖОНОВА:
-- Қишлоқдаги шароитни яхшилашни ўйлашдан олдин баъзи жойлардаги раҳбарларни янгилаш даркор. Ичимлик суви олиб келамиз, йўлларга асфальт ётқазамиз деб халқни алдаётганлар ҳам бор.

Л.КАРИМОВА,
"Туркистон" мухбири

Ифтихор

КОРХОНА ФАХРИ

Мавлон Ералиев Мирзачўл тумани очиқ турдаги Иржар пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида баракали меҳнат қилиб келмоқда. Ўз меҳнат фаолиятини оддий қадоқловчиликдан бошлаган Мавлон, кейинчалик моҳир уста бўлиб етишди. Тиниб-тинчимас, ишини пухта бажарадиган бу йигит заводда обрў-эътибор қозонди. Самарали меҳнат қадрини топади деганларидек, у таъмирлаш бригадасига бошчи этиб сайланди.

Бригада аъзоларининг доимий назоратида бўлганлиги туфайли барча цехлар бир меъёрда ишламоқда. Пахтани қуритиш, тозалаш ва ажратиш цехлари ҳамда толани қадоқлайдиган цех заводнинг уриб турган қон томири десак, хато қилмаймиз.

Республикамиз Мустақилликка эришгач, завод ўз маҳсулотларининг сифатига алоҳида аҳамият қаратди. Илгари хом ашё асосан Россияга жўнатиларди, энди эса чет элга экспорт қилинмоқда. Талаб ўзгарди. Қадоқланаётган толанинг нечоғли сифатли бўлиши таъмирловчилар бригадасига ҳам боғлиқ. Толага ёғ томиши, нам ёки ифлос бўлиши унинг сифатини бузади. Эҳтиёткорлик жуда зарур.

Корхонада турли миллат вакиллари,— яъни ўзбек, қозоқ, татар, тожик ва бошқалар оға-инидек ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишади. Қувонарли томони шундаки, жамоанинг асосий ўзагини ёшлар ташкил этади.

-- Корхона маъмурияти ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ишчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратаяпти, ойлик маошга қўшимча ёрдам тариқасида кундалик эҳтиёж моллари берилаяпти, -- дейди М.Ералиев,

Заводда Мавлон билан бирга меҳнат қилаётган йигитлардан Ш.Елемевсов, А.Абатов, А.Хусаиновлар илғорлар қаторида. Мавлоннинг рафиқаси Қалдирғоч ҳам шу ерда ишчи бўлиб ишлайди.

Яқинда Мавлон Ералиевнинг ҳаётида қувончли воқеа юз берди. У Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллиги тантаналарида Президент Фармонига мувофиқ ''Дўстлик'' ордени билан мукофотланди. Оддий қозоқ йигитининг юксак мукофот билан тақдирланиши завод жамоасини янада руҳлантириб юборди. Халқимизнинг: "Меҳнат қилган етар муродга", деганлари шу бўлса керак-да.

Э.ЎРОҚОВ,
"Туркистон" мухбири

• Мадҳ •

ВАТАН ИШҚИ

"Ватан нима?" -- деган саволга:

Ватан ҳар бир инсоннинг юрагида, қалбида яшайди. Юрак қанчалик зарур бўлса, Ватан ҳам шунчалик керак. Ватан менинг онам, Ватан ягонам, Ватан биттамдир. Мен дунёга келиб кўз очиб онамни, буюк деб аталмиш Ватанимни кўрдим. Бешикдан онамга қанчалик интилган бўлсам, жажжи қўлларимни осмону ерга қадаб Ватанимга шунчалик интилдим, дея жавоб бераман.

Озод яшаш, обод яшаш осон эмас, албатта. Мустақиллик кунларига эришдик бу -- катта бахт. Мустақилликка эришганимиздан сўнг тарихимиз, анъаналаримиз қайта тикланди. Узоққа бормайман, ўзим ўқиб юрган мактаб яқин-яқингача ҳеч ким танимаган, билмаган В.В.Куйбишев номи билан аталарди. Энди эса мактабга қишлоқ болаларининг илмли бўлиши учун бутун умрини бағишлаган бобожоним Сафар Ражабов номи берилди. Шаҳарлар, қишлоқларнинг асл номлари қайта тикланмоқда. Буларнинг ҳаммаси истиқлолимиз шарофатидандир. Эркимиз ўз қўлимизда турган бир пайтда мустақилликни қўйламай бўладими?! Мустақиллик!

Қутлайман сени. Бор санъатим, баётим билан. Мустақиллик! Асрайман сени. Керак бўлса, ҳаётим билан.

Дилёра РАЖАБОВА,
Қизилтепа тумани, Сафар Ражабов номли мактабнинг 10-синф ўқувчиси

«ЭПЛОЛМАДИМИ»...

Бир неча йил аввал газетамиздаги танқидий мақолалардан бирида Қизириқ туманидаги "Кунчиқиш" жамоа хўжалиги раиси ишни эплай олмай қолганлиги хусусида мулоҳазалар билдирилган эди.

МУЛОҲАЗА

Шундан сўнг аҳволни ўнглаш учун айрим чоралар кўрилди. Уқувсиз раис ишдан кетди.

Бироқ, негадир ҳали ҳам хўжалик қолоқлигича қолиб келаяпти.

Маматали Умиров тумандаги ёш раислардан бири. Унинг ғайрати туфайли ''Янгийўл'' жамоа хўжалигида ҳар йили пахта, ғалла, чорвачилик маҳсулотлари, асал етиштириш режалари уддаланиб келинади. Хонадонларнинг деярли барчаси газ билан таъминланган. Бунинг устига ишсиз ёшлар йўқ, ҳисоби.

• Демак, ёшларга ишонса бўлар экан-ку?

... Музработ туманидаги ''Қўнғирот'' хўжалиги фермасида йигит-қизларнинг шўх кулгиси, айримларининг шодон қўшиқ куйлагани олис-олисларга эшитилиб туради. Бунинг сабаби аниқ, уларнинг кайфияти ҳамиша зўр!

Қўҳитанг тоғлари этагидаги бу даштда уларнинг меҳнат қилаётганига анча йиллар бўлиб қолди. Аммо, бирор йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш бўйича режалар аро йўлда қолганини эслай олмайдилар.

-- 1997 йилда барча соҳаларни яхши якунлаяпмиз, табриклаймиз, раис бобо, -- дейишди қизлар. Хўжалик раҳбари Янгибой Юсупов машинадан тушиши биланоқ.

-- Раҳмат, раҳмат. Сизлар ғайрат қилавер-саларинг доимо ишимиз беш бўлаверади-да.

-- Қани қизим, бугун қанча сут соғиб олдинг?

-- 300 литрдан оширдим, раис бобо.

-- Ғайрат қилавер, мукофотга насиб бўлса ой охирида атлас кўйлаклик совға қиламиз.

Сут соғувчи ёшлар билан гурунглашгач, текисланаётган пахта далаларига қараб жўнадик. Янгибой Юсуповдан деҳқончиликдаги ютуқларга қандай эришилаётганлиги тўғрисида сўрадим.

-- Қишда яхши ишлаган одам кузда доғда қолмас экан, -- дейди хўжалик раҳбари. Майдонларни чуқур ҳайдаб чиқдик. Энди ариқ, зовурларни тозалаяпмиз. 1997 йилдаги муваффақиятлар сири нимада, дейсизми? Дастлаб чигит экишни, кейин ғўзаларни яганалашни ўз вақтида ўтказдик. Энг муҳими, чўл шароитида ишласак-да, ёшларнинг ғайрати туфайли барча экинлардан мўлжалланган ҳосилни етиштира олдик.

Шунга ўхшаш илиқ фикрларни Қумқўрғон туманида бўлганимда ҳам эшитдим.

-- Ёшларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш керак экан, -- дейди ''Беш қаҳрамон'' очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси Маматмурод Иброҳимов. -- Хўжалигимизда пахта тайёрлаш режаси вилоятда биринчилар қаторида уддаланди. Биласизми, хўжалигимиз илғорлигининг сабаби, ишчиларнинг яшаши ва ишлаши учун ғамхўрлик кўрсатилаётганлигида, деб ҳисоблайман. Хонадонларнинг асосий қисмига ичимлик сув қувури ўтказилган, табиий газдан фойдаланмаётган оилалар ҳам қолган.

Ёшлар бор жойда ютуқлар бор, деганлари рост экан. Хўжаликда меҳнат қилаётган юзлаб деҳқонларнинг асосий қисми энди йигирма-ўттизни қоралаган. Улар изланувчанлиги туфайли хўжаликда иқтисодий ислоҳотлар амалга оширишга катта ҳисса қўшяптилар.

Бу хўжаликда ўттиз минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. (Беш-олтита хўжаликни ўз ичига олган Бандихон туманида ҳам деярли шунча киши истиқомат қилади). Кишилар учун қулай шароит яратиш, маданий-маиший бинолар қуриш, кам таъминланган оилаларга кўмак бериш каби кўпдан кўп ташвишлар бор. Лекин, илғор хўжаликда бу муаммолар аллақачон ҳал этилган. Бунинг сабаби, ''Беш қаҳрамон'' иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиб бораётганлигидадир. Агар режалар уддаланмаса, хўжалик чўнтаги қуп-қуруқ бўлиб қолар эди-да.

Моддий манфаатдорлик яхши бўлганлиги туфайли хўжаликда бирор ёш бекор юрганлигини кўрмайсиз.

Жарқўрғон туманидаги Норали Боймуродов номли жамоа хўжалигига борганимда эса бунинг аксини кўрдим. Билагида кучи, юрагида ғайрати жўш урган ёшлардан бири куюниб шундай деди:

-- Раисимизга ҳайронман, бошқа фаслларда тузук ишламайди-да, кузга келиб ер чизиб қоладди!

Унинг гапларида жон бор. Ҳақиқатан ҳам бу хўжаликда ғўза парвариши даврида раҳбарлар беғамлик касалига гирифтор бўлишади. Улар бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар, қабилида иш тутишиб, қишки тадбирларни ўз вақтида ўтказишни, ғўза агротехникасига амал қилишни бутунлай эсдан чиқариб юборишади.

Бу гурунгдан сўнг раисга учрашдим.

-- Хўжалигингиздаги ишлар билан танишмоқчи эдим.

-- Э, ука, бизнинг нимамизни ёзасиз? Бир неча йиллардан бери аҳволимиз чатоқ, режаларни бажара олмай, доғда қоляпмиз. Бизни фақат танқид қилиб ёзсангиз бўлади. Мақтайдиган гап йўқ.

Аслини олганда, бу хўжаликда режани уддалаш учун имкониятлар етарли. Нега бир вақтлар хўжалик машҳур эди? Демак, ҳамма гап ташкилотчи, тадбиркор кишиларнинг ишлашига боғлиқ. Демак, ёшларнинг куч-ғайратига таянган жойдагина ютуқларга эришилади!

Айрим жойларда эса...

Замон талабидан ортда қолган, ишни эплай олмайдиган кишилардан воз кечишга жуда кеч киришадилар. 1997 йилгача Шўрчидаги ''Сурхон'' жамоа хўжалигига Юсуф Соатов бошчилик қилган. Аммо, у уқувсизлиги, ташкилотчилик қобилияти етишмаганлиги учун хўжаликни илғорлар қаторига қўша олмади. Йил охирида эса кекса раиснинг ўрнида серғайрат ёшлардан бири раҳбарлик жиловини қўлга олди.

Ҳозир аҳвол қандай?

Хўжаликда иш анча дуруст кетяпти. Бўлғуси ҳосил учун тараддуд авжида. Техника экиш мавсумига ҳозирданоқ тайёрлаб қўйилган.

Ёшларга таянган жойда муваффақият кўп бўлиши ҳаёт тажрибасидан маълум. ''Сурхон''га қўшни Охунбобоев номли жамоа хўжалигига Муродил Худойбердиев деган ғайратли инженер йигит раҳбар этиб тайинланди. Буни қарангки, хўжаликда вилоятда биринчилар қаторида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш режалари уддаланди. Бундан ташқари, одамларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, янги иш жойлар ташкил этиш, техникадан самаралироқ фойдаланиш янаям яхшиланди.

Вилоятнинг қолоқ хўжаликларида бўлганимда ёшларнинг кўпчилиги илғорлар хусусида мароқ билан сўзладилар. Ишни уддалай олмаётган, уқувсиз раҳбарлар ҳақида эса ''Эпламадими... ёшларга берсин!'' деган фикрни қатъий айтдилар.

Ёшлар ҳақ гапни айтишаётганлигига шубҳа йўқ.

Жовли ХУШБОҚОВ,
"Туркистон" мухбири

ЁШЛАР МАДАДИ

Каттақўрғон тумани нафақат Самарқанд вилояти, балки республикамиздаги энг йирик ва ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринда турган туманлардан биридир. Иқтисодий ислоҳатларни турмушга дадил жорий этиб бораётган каттақўрғонликлар ўтган йили халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида бўлганидек, пахтачиликда ҳам юқори натижаларга эришишди. Ваҳоланки, туман кейинги етти йил давомида қаторасига давлат режаларини бажара олмаган эди.

Маълум бўлишича, катта қўрғонлик миришкорлар ишни ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашдан, меҳнатни илмий асосда ташкил этишдан ва дала заҳматкашлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб беришдан бошлашган.

Ҳақиқатан ҳам, ер билан тиллашмаган, унинг дардига қулоқ тутмаган, ярасига малҳам бўлмаган деҳқон ундан юқори ҳосил олишни хаёлига келтирмаса ҳам бўлади. Ахир, туманнинг бир неча йил қолоқлар сафига тушиб қолишига асосий сабаблардан бири ҳам шу эмасмиди? Йиллар давомида ҳукм сурган хўжасизлик ва бошбошдоқлик оқибатида ризқурўз манбаи -- она ернинг тинкамадори қуриб бўлган эди. Бинобарин, туман далаларининг ҳолатини чуқур ва атрофлича ўрганиб чиқиш, илмий асосда таҳлил қилиш зарур эди.

Албатта, бир неча йил давом этган умидсизлик ва тушкунликдан кейин бундай зафарга эришишнинг ўзи бўлмади. Бунда туман ёшларининг меҳнати беқиёс бўлди.

Тумандаги ''Каттаминг'' пахта тозалаш заводи ишчиларининг фидокорона меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ишчиларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилган бу жамоа ҳозирги кунда нафақат ҳамдўстлик мамлакатларига, балки Англия, Швеция, Голландия, Бельгия каби Европанинг ривожланган давлатларига ҳам сифатли Каттақўрғон толасини етказиб бермоқда. Илғор жамоанинг бу йилги режалари янада салмоқли. Туман далаларида етиштирилган олий навли пахта толасини жаҳон бозорига мунтазам равишда олиб чиқиш корхона олдидаги масъулиятли вазифалардан биридир. Улар бу йўналишдаги баъзи бир ишларни шу бугундан бошлаб юборишди. Чунки, жамоа хорижликлар билан 1998 йил учун катта ҳажмдаги пахта толасини етказиб бериш бўйича шартнома тузган.

''Каттаминг'' пахта тозалаш заводи каби илғорликни қўлдан бермай келаётган бир қатор бошқа ишлаб чиқариш корхоналарида бўлганимизда ҳам, қишлоқ марказлари, мактаб, боғча каби тарбия муассасаларини кўрганимизда ҳам диққат марказимизда бир нарса турди -- ишчи-хизматчилар, деҳқонлар учун, умуман, одамлар учун қандай шарт-шароит яратилган?

Тўғрисини айтганда бу борада туманда олиб борилаётган ишлар бизни бир оз бўлса-да, қувонтирди. Қишлоқларнинг аксарияти табиий газ ҳамда ичимлик суви билан таъминланиши, маданий-маиший ва савдо хизматларининг яхши йўлга қўйилганлиги туманнинг ҳар бир фуқаросида келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлайди, эртага бугунгидан яхшироқ, унумлироқ меҳнат қилишга ундайди.

-- Меҳнат фақатгина тирикчилик манбаи бўлиб қолмаслиги лозим, -- дейди биз билан суҳбатлашган туман ҳокими Муҳторжон Ёрқулов.

-- Меҳнат ҳақиқий маънода кўнгил эҳтиёжига айланиши керак. Йўқса, улкан зафарлар, катта муваффақиятларга эришишни орзу ҳам қилиб бўлмайди. Шунинг учун биз ишни аввало, деҳқоннинг турмуш тарзини, яшаш шароитини яхшилашдан бошладик. Бу борада сезиларли натижаларга эришганимиздан кейин ҳар бир жамоа хўжалиги, ҳар бир қишлоқнинг ўз ҳаммоми, сартарошхонаси ва бошқа аҳолига маиший хизмат кўрсатиш устахоналарини барпо этиш тадбирини ишлаб чиқдик.

Бундан ташқари янги боғчалар, мактаблар қурилишига, уларни замонавий техника ва ўқув қуроллари билан таъминлашга эътибор қилдик. Туманимиздаги барча йўллар қайта таъмирланди. Қишлоқларга туман марказидан қатновчи автобуслар кўпайтирилди. Бир сўз билан айтганда, инсон манфаатлари биринчи ўринга олиб чиқилиб, халқнинг турмуш тарзини яхшилаш, ҳаётини фаровон қилишга эришилди.

Темир ҚУРБОН

Суратларда: ''Каттаминг'' пахта тозалаш заводининг илғор ишчиси Норбуви Султонова;
Тозалаш цехида иш қизғин.

Суратқаш А. ГЕРАСИМОВ

ИШ СИЗНИ ҚИДИРСИНМИ?

Чорсу бозорига кираверишда дастёрчилик, ёхуд майда-чуйда иш қидириб келганларни учратиш мумкин. Уларнинг орасида ёш йигитлар ҳам бор. Аксарияти вилоятлардан келган. Улардан бири ўзини Ҳалимжон Узоқов деб таништирган йигит Сурхондарё вилоятининг Денов туманидан экан:

-- Мактабни тамомлагач, жамоа хўжалигида ишлай бошладим. Анчадан буён маош олганимиз йўқ. Қишлоғимизда маиший хизмат ҳақида фақат орзу қилиш мумкин. Туман марказига транспорт қатнамайди. Йўлларнинг носозлигию, нобоплигини айтмайсизми... Қишлоқларда ҳафталаб чироқ бўлмайди. Бир амаллаб туман марказига етиб ҳам олдик, дейлик. Лекин, у ердаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турлари ҳам ҳавас қиларли даражада эмас. Шаҳарда ишлаб оз-моз пул топиш мумкин дейишади. Шунинг учун ҳам бу ерларда юрибмиз...

Худойназар ПИРМАТОВ:

-- Ўзим асли Бухоронинг Вобкент туманиданман. Очиқ айтадиган бўлсам, қишлоқда анча-мунча ёшлар ишсиз юришибди. Сабаби бўш ишчи ўринлари, яна ҳам аниқроғи кичик корхоналар, ҳунармандчилик, косибчилик шахобчаларининг йўқлигида. Ҳукуматимиз ёшларга катта эътибор бериб, уларнинг баркамоллиги йўлида барча имкониятларни яратиб бермоқда. Бироқ, маҳаллий ҳокимият идораларидаги айрим бошлиқлар буни унутиб қўйишган ёки сезиб, сезмаганга олишмоқда. Агар улар биз ёшларга оз-моз бўлса-да аҳамият беришса, биз бу ерларда иш излаб юрмаган бўлармидик?

Шу пайт суҳбатимизга бошқа бир одам келиб қўшилди:

-- Исмим Фарҳод, фамилиям Орипов. Андижон вилоятиданман асли. Шаҳарга тушгандим, бозор айланай деб келаётгандим. Сизларнинг суҳбатингиз қулоғимга чалинди. Тўғри, қишлоқлардаги шароитни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Баъзи қишлоқлар тўлиқ газлаштирилмаган, ичимлик суви сифатсиз, электр ҳам тез-тез бўлмай туради. Лекин, барча жойда аҳвол бирдек, десак янглишган бўламан. Мен ҳам қишлоқда яшайман. Ўн сотих ерим бор. Ўтган йилги ҳосил чакки бўлмади. Бир йилда уч марта ҳосил кўтардим. Сўнгги экканим қишки картошкадан ҳам яхши ҳосил олдим. Еркинг унумдорлигини оширишда табиий ўғит яхши иш берди. Чорва молларим ҳам бор-да! Бир йилда тўртта новвос алмаштирдим. Чорвадан ҳам даромад ёмон бўлмади. Хуллас калом, ишлаб, яхшигина даромад топаман деган одам фақат қунт билан меҳнат қилиши керак! Кўп қишлоқлардаги ёшлар деҳқончиликдан узоқлашиб кетган. Агар бирор одам қишлоғингни ташлаб, шаҳарга келиб ишла, деса, рози бўлмасдим. Чунки киндик қоним тўкилган юртимда ҳам жуда яхши ишлаяпман.

Биз яна кўпчилик ёшлар билан суҳбатлашдик. Суҳбатдан аён бўлдики, баъзи йигитлар иш излаб шаҳарга келишган. Таажжуб, кўпинча бекатларда фалон корхонага чилангар, ўт ёқувчи, ишчилар керак, қабилидаги эълонларни кўрамиз. Уларни ўқийману, нима учундир кўз ўнгимда иш қидириб юрган ёшлар келаверади. Демак, меҳнат биржалари, ишчи ўринлари ярмаркалари фаолиятини янада ривожлантириш зарурга ўхшайди.

Н. ШАВКАТОВА,

• Таъна •

СИЗГА АЙТАР ГАП

Мустақиллик шарофати билан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ватанимиз кунданкунга чирой очиб бормоқда. Шаҳарларда қад кўтараётган гўзал иншоотлар Ватанимиз қаддини кўтараётганидан дарак беради. Шаҳарларда ўзгариш катта. Аммо...

Айрим қишлоқларда яшаш анча оғир кечмоқда. Ёзда-ку бир нав. Лекин, қишнинг изғиринли кунларини санаб ўтказишга тўғри келади. Қишлоқларни қўйиб туринг-у, лекин Тошкент вилояти Пискент туманидаги баъзи бир кўчаларда табиий газ қувурлари ўтказилгани билан газ босими жуда паст. Бунга мисол қилиб Токзор маҳалласини олиш мумкин. Айниқса, кун совуганда газ умуман бўлмайди. Одамлар газга ишониб, ўтин ёки қўмир сотиб олишмаган.

Бу тўғрида туман газ билан таъминлаш идорасига мурожаат қилган эдик, лекин натижа бўлмади. Аслида маҳаллага газ хашар йўли билан келтирилган эди.

Кўчамизнинг бошланиш қисмидаги Исомиддин Ражабов кўчасидаги балчиқ қишин-ёзин йўловчилар ҳамда мактаб болаларининг қатновида қийинчилик туғдирмоқда. Аслини олганда маҳаллада бирор бир янгилик йўқ. Кўчалар ўйдим-чуқур, лой. Уйлар совуқ.

Озода МАҲКАМОВА



АЁЛ ҲУҚУҚИ

Таҳририятимизнинг "Ишонч қўнғироқлари"га бу сафар аксарият ёш оналар қўнғироқ қилиб ўз ҳуқуқлари, тайинланган нафақа ва таътил даври хусусида савол бердилар. Уларга Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг юридик бўлим мудири, меҳнат ҳуқуқлари бош инспектори Ҳамидулла ПРИМҚУЛОВ жавоб беради.

"Тошкент шаҳридан Санобар ОЧИЛОВА сизни безовта қилаяпти. Олий ўқув юртида ўқийман. Яқинда фарзандли бўламиз. Бу борада ёш оналарга қандай нафақалар белгиланган?"

-- Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа ишловчи аёлларга жами 126 календарь куни учун берилади. Туғиши қийин кечган ёки 2 ва ундан ортиқ бола туққан аёлларга нафақа 140 календарь куни учун берилади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртини, аспирантурани, клиник ординатурани ёхуд ҳунар-техника билим юртини битирган ва белгиланган тартибда ишга юборилган аёлларга ишни бошлагунига қадар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилган ҳолда, ишга келиши белгиланган кундан бошлаб нафақа берилади. Шу ўринда бир нарсани айтиш керакки, ҳозирда юқорида қайд этилган ўқув юртларини битираётган ёшларнинг ҳаммаси ҳам белгиланган тартибда ишга юборилмасдан, уларнинг кўпчилигига эркин ишга жойлашиш ҳуқуқи берилмоқда. Бундай ҳолларда битирувчиларга нафақа (уни олиш ҳуқуқига эга бўлганларга, албатта) ишга жойлашган кундан бошлаб тайинланади. Ишни вақтинчалик тўхтатиш ёки ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таҳсил олиш муносабати билан тайинланган қўшимча таътил даврида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилган ҳолда, кўрсатилган давр тугагандан кейин аёл ишга тушиши лозим бўлган кундан бошлаб нафақа берилади.

Йиллик (асосий ва қўшимча) таътилда бўлиш вақтида болани парваришлаш учун таътилда бўлган даврда ҳомиладорлик билан туғиш бўйича таътил берилганда нафақа ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилнинг касаллик варақасида кўрсатилган барча кунлари учун тўланади. Болани парваришлаш бўйича таътил даври учун нафақа тариф ставкасидан (лавозим маошидан) ва мукофотларнинг ўртача ойлик суммасидан ҳисоблаб чиқарилади.

* * *

"НАФАҚАЛАР ҚАНДАЙ МИҚДОРДА ТАЙИНЛАНАДИ?"

Шохсанам ЖУМАНИЁЗОВА,
Хоразм вилоятининг Қўшкўпир тумани

-- Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа аёлнинг меҳнат стажининг давомийлигидан қатъий назар маошининг 100 фоизи миқдорида берилади. Бола туғилганда бериладиган нафақа суюнчи пули ишлаётган аёлларга, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта махсус ўқув юртларида, аспирантура, клиник ординатурада ёхуд ҳунар-техника билим юртида кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва тайёрлов курсларида ҳамда мактабларда таҳсил олаётган аёлларга бола туғилганда бериладиган нафақа республикамизда белгиланган ойлик энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида берилади.

* * *

"ТАЛАБА ОНАЛАРГА БЕЛГИЛАНГАН ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ ДАВРИДА БЕРИЛАДИГАН ТАЪТИЛЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРСАНГИЗ."

Дилдора РАҲМАТОВА,
Самарқанд шаҳри

-- Шуни айтиш керакки, меҳнат (ва унга қонунчиликда назарда тутилган қўшимча) таътилларни бериш шарти, албатта, меҳнат муносабатлари билан боғланади. Яъни агар шахс бирон бир иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўлмаса, меҳнат, шу жумладан қўшимча таътиллардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмасдир.

Ҳомиладорлик ва туғиш учун бериладиган давр ҳам Меҳнат Кодексининг 233-моддасига биноан "таътил" ҳисобланади. Демак, аёл фақат талаба бўлса ва ҳеч қаерда ишламаса, у таътил ҳуқуқига эга эмас. Ўқиш жойларидан бола 2 ёшга тўлгунга қадар ҳар ойда республикада ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 150 фоизи миқдорида нафақа олиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларга бу нафақа ишловчи оналардан фарқли ўлароқ, бола туғилган ойдан кейинги кунлардан бошлаб тайинланади. (Ишловчи оналарга эга ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугагандан кейин тайинланади).

* * *

"НАФАҚА УЧУН ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ЗАРУР?"

Саида ИБРОҲИМОВА,
Фарғона вилоятидан

-- Нафақани тайинлаш учун ўқув муассасаси маъмуриятининг аёл тақдим этган ҳужжатлар (ариза, бола туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма, меҳнат дафтарчаси ёки ишламаслиги ҳақида маҳалла қўмитасидан маълумотнома) асосида чиқарган қарори зарур бўлади.

* * *

"ИНСТИТУТДА ШАРТНОМА АСОСИДА ЎҚИЙМАН. МЕНГА ҚАЙ ЙЎСИНДА ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ ДАВРИ УЧУН НАФАҚА ТЎЛАНАДИ?"

Муяссар АЛИЕВА,
Тошкент шаҳри

-- Олий, ўрта махсус ўқув муассасаларида ҳақ тўлаб, шартнома асосида ўқиётган талаба оналар (оналикни бажарувчи шахслар) бу нафақани ишламайдиган ва ўқимайдиган оналар каби турар жойларидаги ижтимоий таъминот идораларидан оладилар. Агар оналар ушбу нафақани олиш учун ўз вақтида мурожаат этмасалар, уларга нафақа ўтган 3 ойдан кўп бўлмаган даврдан бошлаб (мурожаат этилган ойни қўшиб ҳисоблаганда) тайинланади. Унинг миқдори эса ўтган ойларда қанчадан белгиланган бўлиши керак бўлса, шунчадан олинади. Мана шу нафақа бериб келинаётган даврда она ўқишни тугатса ёки талабаликни тўхтатса, нафақа бериш ҳам тўхтатилади ва у тегишли иш жойида ёки турар жойидаги ижтимоий таъминот идорасида мурожаатга биноан тайинланади.

МЕНИ КЕЧИРИНГ, УСТОЗ!

Бувим раҳматли айтардилар: "Сирни ичда сақлаш жуда қийин, лекин бировга ҳам айта кўрма. Яхшиси ҳеч ким йўғида хумга айт анча енгиллашасан".

Мен бу сирни хумга эмас, сизга -- "Туркистон"га айтишни лозим деб топдим.

... Ўша куни мактабдан жуда хафа бўлиб қайтдим. Математика ўқитувчимиз Қодир ака: "Сен ҳеч қачон одам бўлмайсан. Отангга тортгансан..." деб мени синфдошларим олдида изза қилди. Нима, битта математикадан ўзлаштиролмасам одам бўлолмайманми? Бошқа фанлардан ўқишларим ёмон эмас. Ундан ташқари, отамни ҳақоратлагани кўнглимга қаттиқ тегди. Ўша лаҳзада ўқитувчимдан ўч олишга қарор қилдим.

Уйга келиб ҳам ўй-хаёлим шу ҳақда бўлди. Кечга яқин отам мени қўшни маҳалладаги ўртоғиникига бир юмуш билан юборди. Уларникига олиб борадиган йўл Қодир муаллим уйининг орқасидан ўтарди. Йўлда кетарканман, устознинг уйи ҳам кўзимга жуда хунук кўриниб кетди. Кўнглимдан ҳар хил хаёллар кечди. Уйининг орқасидаги кўм-кўк ўтлоқ устига боғлаб қўйилган ҳўкизни кўриб, миямга бир фикр келди. Ҳеч ким кўрмаётганига ишонч ҳосил қилгач, муаллимнинг ҳўкизини секин арқонидан бўшатиб, узоққа ҳайдаб юбордим. Ўзимча: "Ажаб бўпти, роса излаб ววораси чиқсин", деган хаёлда уйга қайтдим.

Эртасига "Қодир муаллимнинг тўйга деб боқаётган ҳўкизи йўқолибди", деган гап ҳамма ёққа тарқалди. Муаллим мактабга келмади. Эртасига ҳам, индинига ҳам... Ўша кунлари ҳўкизнинг топилишини барча қатори мен ҳам жон-дилимдан хоҳлардим. Аммо...

Муаллим бизнинг қишлоққа кўчиб келганига эндигина 3-4 йил бўлган эди. Бу воқеани "одамлар сиғиштирмади" деб тушунган Қодир ака бир амаллаб тўйни ўтказиб, яна ўз қишлоғига қайтиб кетди. Кўпчилик ўртада туриб ҳам муаллимни қайтаролмади. Шунда устознинг маҳаллада обрўси баланд эканлигини билдим. Қилган ишимдан пушаймон бўлдим. Лекин ўзидан кечирим сўрашга юзим чидамади. Қалбимда эса бир сўз яшайди: "Мени кечиринг, устоз!"

Б.....
Самарқанд вилояти,
Нуробод тумани
Назокат УСМОНОВА тайёрлади

ДУШАНБА, 19

I

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 19 январь куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 5.15 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ажойиб гилам». Мультфильм.
18.20 «Иқтидор — 98».
18.40 «Олам ва одам».
19.00 «Санъат дўстликка чорлайди». Сўғдиёна Кохирада.
19.25, 19.50, 20.25, 20.55: 22.10, 23.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Тўртинчи ҳокимият».
21.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 21-қисм.
22.15 «Янги йил базми». 2-қисм.
23.15 М. Низонов. «Ҳадик». Теленовелла.
23.45 «Ахборот».
00.10 — 00.15 Ватан тимсоллари.

I

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи» (рус тилида).
18.20 «Ёрилтош». Мульт-тўплам.
18.45 «Табиат дунёси».
19.05 «Эгиз қўшиклар».
19.25, 19.55, 20.25, — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Туризм ҳақида».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Санта-Барбара». Телесериал.
21.45 «Камолот». Ёшлар учун кўрсатув.
22.05 «Олтин мерос».
22.20 Кундалик.
22.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.55 «Даракчи» (рус тилида).
23.05 «Ёш Индиана Джонс» хроникаси». Телесериал.
23.55— 24.00 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

I

5.15 «Алишер Навоий». Кўп қисмли видеофильм. 15—16-қисмлар.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Хафтанома».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Буюк Ипак йўли».
8.50 Болалар учун. «Топган топалоқ — кайфияти чоғ».
9.20 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 20-қисм.
10.00, 14.00 — Янгиликлар.
10.05 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.30 «Кино янгиликлари».
10.45 «Жаҳон киноси юлдузлари».
11.05 «Осилсанг баланд дорга осил». Бадиий фильм. 1-серия.
12.05 Болалар учун. «Омад юлдузи».
12.45 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
13.05 Телевизион миниатюралар театри».
13.35—14.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.

* * *

18.15 Янгиликлар.

*

21.35 «Кругозор». Тележурнал.

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «КВН. 1997 йил якуни». 2-қисм (давоми).
23.30—23.50 «Ахборот» (рус тилида).

V

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.10 Эълонлар.
19.05 «Оқибат». Телесериал.
19.50 «Умр баҳори».
20.05 «Мусиқали танаффус».
20.10 «Жаҳон».
20.30 «Намастэ».
20.50 «Қўшиқ умри пойиндор».
21.15 Кинематограф. «Ёлғиз ўзи из қувлади». 1-серия (Олмония).
22.40 «Спорт-тайм».
23.10 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 20

I

5.15 «Алишер Навоий». Кўп қисмли видеофильм, 17—18-қисмлар.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталар-ининг шарҳи.
8.40 «Олам ва одам».
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 21-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Талаб ва таклиф».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Адабиёт.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Ўзбекистон тарихи.

*

12.00 М. Низонов. «Ҳадик». Теленовелла.
12.25 Теннис клуби.
12.40 «Мен туғилган тупроқ». Телеочерк.
12.55 — 14.00 «Осилсанг баланд дорга осил». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қайғусиз қувонч бўлмас». Мультфильм.
18.20 Компьютер сабоқлари.
18.45 «Кўнгил ойнаси».
19.05 «Шарқ тароналари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.00, 23.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Жавҳар». Публицистик кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «XXI аср бўсағасида».
21.20 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 22-қисм.
22.05 «Барҳаёт наволар». С. Калонов.
22.50 «Долзарб мавзу».
23.25 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
23.45 «Ахборот».
00.10—00.15 Ватан тимсол-лари.

I

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Ерилтош». Мульт-тўплам.
18.35 «100 йиллик саргузаштлар давомида». Теле-сериал.
18.55 «Сиздан мактуб олдик».
19.20 Мусиқий йўлка. Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Болливудга нигоҳ».
21.20 «Спорт қитъаси».
21.50 «Даракчи».
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 «Кинонигоҳ».
24.00—00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!»

I

18.15 Янгиликлар.

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Парадизо» кино-театри». Бадиий фильм. 1-серия (Италия — Франция).
23.20—23.40 «Ахборот» (рус тилида).

V

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.00 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.55 «Қишлоқ хўжалик реформаси».
20.10 Мусиқий дақиқалар.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Медицина сизлар учун».
20.50 «ТВ IV да немис тўлқини.
21.10 «Телефакт».
21.20 «Моҳир».
21.40 «Хит-коллекция».
22.05 «Қувноқ кино».
23.35 «Маданий сайр».
23.55 «Дурдаршан».
00.25—00.35 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 21

I

5.15 «Алишер Навоий». Кўп қисмли видеофильм. 19 — 20-қисмлар.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нодир хазина».
8.35 «Барҳаёт наволар». С. Калонов.
9.20 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 22-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Умумий биология.
11.00 Она тили.

*

11.30 «Инсон ва замин». Тележурнал.
12.00 Болалар учун. «Мактублар — кабутарлар».
12.20 «Сувости салтанатида». Мультфильм.
12.30 «Соғлом авлод — соғлом миллат».
12.50—14.00 «Таня ва икки мушкетёр». Бадиий фильм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.35 «Бизни кутар нурли манзиллар».
18.55 Кун тартибида «Миллионлар ўйини». Спорт дастури.
19.10 «Ўзбекистон қаҳрамонлари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.45, 23.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ранглар жилоси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳа-ларида».
21.20 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Рассулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 23-қисм.
22.05 «Мухлис ёхуд қўшиқ изидан». Мусиқий дастур.
22.50 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
23.25 «Она бўла қолгин менга табиат».
23.35 «Ахборот».
24.00—00.05 Ватан тимсол-лари.

I

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи» (рус тилида).
18.15 «Ерилтош». Мульт-тўплам.
18.30 «Табиат дунёси».
19.00 «Жозиба».
19.10 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Уммонга туташ диёр».
20.10 «Нафис мажлислар».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хонадон».
21.20 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.00 «Даракчи» (рус тилида).
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 «Кинонигоҳ».
24.00—00.05 «Тунингиз хайрли бўлсин!»

I

18.15 Янгиликлар.

*

21.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Парадизо» кино-театри». Бадиий фильм. 2-серия.
23.55 — 00.15 «Ахборот» (рус тилида).

V

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульттомоша».
19.05, 22.05 Эълонлар.
19.10 «Оқибат». Телесериал.
19.50 «Автосалтанат».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Кинематограф. «Ёлғиз ўзи из қувлади». 2-серия.
21.45 Дилрабо тароналар.
22.10 «Олтин хазина». Уйғун, И. Султон. «Алишер Навоий». 2-қисм.
23.40 «Бу ажиб дунё».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 22

I

5.05 «Хай». Мультфильм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газета-рининг шарҳи.
8.40 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
9.15 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 23-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Бармоқлар сеҳри».
10.20 «Маҳмадона». Мультфильм.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.

*

12.00 «Иқтисодиёт чорраҳа-ларида».
12.20 «Остонаси тиллодан».
12.40 «Талаба ва спорт».
13.00—14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ҳўжа Насриддин». Мультфильм.
18.20 «Шеър ва шуур».
18.30 «Эл тинчлиги йўлида».
18.55 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.00, 23.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Бозор рақобати — сифат кафолати».
21.20 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 24-қисм.
22.05 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.05 «Рақслар гулдастаси».
23.30 «Битик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.55 «Ахборот».
00.20—00.25 Ватан тимсол-лари.

I

9.00 Мультипанорама.
9.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
9.35 «Турфа олам».
10.00 «Бари ҳазил».
10.10 «Кенгга — кенг дунё».
10.25 Жаҳон халқлари эстрадаси.
10.40 «Даллас». Телесериал.
11.30 «Рамазон қўшиқлари».
11.50 Видео — «О».

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Буш ўтирма». Болалар учун дастур.
18.35 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.55 «Билиб қўйган яхши».
19.05 «Қатрада қуёш».
19.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.55 «Дубляжчилар даврасида».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иймон».
21.30 «Даракчи».
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 Кино жавонидан. «Амар, Акбар, Антони». Бадиий фильм. 1—2-сериялар (Ҳиндистон).
00.20—00.25 «Тунингиз хайрли бўлсин».

I

18.15 Янгиликлар.

*

21.35 «Чўл тимсоҳи». «Жонажон ўлкам жамоли». Телефильмлар.

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Маскалар». Бадиий фильм.
00.15—00.35 «Ахборот» (рус тилида).

V

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.40 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.45 «02» тўлқинида.
20.00 «Ракурс».
20.30 «Ҳамшаҳарлар».
20.50 «Ассалом, Сидней!».
21.10 «Каталог».
21.20 «Мусиқий Олимп».
21.45 «Киносалон».
23.05 «7 дан 70 гача».
23.30 «Интер-спорт».
23.50 «Дурдаршан».
00.20 — 00.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 23

I

5.05 «Илоҳий ишқ». Бадиий фильм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Қуйла, ёшлигим». Эстрада концерти.
9.00 «Юзма-юз».
9.20 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 24-қисм.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Тўташ томирлар».
10.50 «Туйғулар жаранги». Мусиқий дастур.
11.10 «Энг муҳими».
11.30 «Соҳибжамол Ойсулув ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
12.40 «Меҳр макони».
13.00—14.00 «Сайқал». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.30 «Озод ва обод юрт».
18.45 «Шаҳматчилар сулоласи».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.10, 23.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус. тилида).
19.55 «Нуқтаи назар».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 25-қисм.
22.15 «Назм ва наво». Чустий лирикаси.
23.10 «Ахборот».

«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури.

23.35 «Олам».
23.55 «Бизни кечиринг». Бадиий фильм.
01.10—01.15 Ватан тимсол-лари.

I

9.00 «Буш ўтирма». Болалар учун дастур.
9.20 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.40 «Билиб қўйган яхши».
9.55 «Қатрада қуёш».
10.05 «Дубляжчилар даврасида».
10.35 Кино жавонидан. «Амар, Акбар, Антони». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Бугунинг боласи».
18.35 «Аралаш». Юмористик киножурнал.
18.55 «Яхши дам олинг».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55- Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Сизлардан ишорат».
20.30 «Ахборот».

21.00 «Ғазал соғинчи».
21.20 «Хуш келибсиз».
21.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
22.20 «Туйғуларим».
22.25 «Бокс. Бокс. Бокс».
22.55 «Даракчи».
23.05 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.15 «Сюрприз». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
23.50—23.55 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

I

18.15 Янгиликлар.

*

21.35 «Мусиқа ҳамма учун». Мусиқий дастур.

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Қорбўрон ўйини». Бадиий фильм (АҚШ).
00.05 — 00.25 «Ахборот» (рус тилида).

V

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.25 Эълонлар.
19.05 «Оқибат». Телесериал.
19.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.05 «Маънавият ва Ислом».
20.20 «Бегойим».
20.45 «Мардона йигитлар».
21.00 Араб эстрадаси.
21.35 Кинематограф. «Паногиянинг ўғирланиши».
23.00 «Жума куни ишдан сўнг».
23.25 — 23.30 «Мунаввар тонг истаб...».

ШАНБА, 24

I

4.45 «Ойдин кеча». Бадиий фильм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газетала-рининг шарҳи.
8.40 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 25-қисм.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

9.40 «Мулоҳаза, мунозара, муносабат».
10.00 «Ёшлар табассуми».
10.20 «Балоғат бекати».
10.40 «Зиёрат».
10.50 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
11.15 «Турки қавмлар». Қанғли.
11.30 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
12.05 «Чақирилмаган меҳмонлар». Бадиий фильм.
13.25 «Кичкинтой уста-хонаси».
13.50 — 14.05 «Муҳаббат ардоғида». Мусиқий дастур.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.15 «Ёшлик» студияси. «Орзулар қанотида».
18.35 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.00 «Ҳайрат». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 26-қисм.
22.15 «Навоийхонлик».
22.20 «Ҳамма кўриши шарт эмас...»

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.

23.20 «Мусиқали саёҳат».
23.40 «Имкон чўққилари».
23.50 «Тожмаҳал». Бадиий фильм. 1-қисм.
01.05 — 01.10 Тунги пойтахт таронаси.

I

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Аралаш». Юмористик киножурнал.
9.30 «Яхши дам олинг».
9.40 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
10.00 «Сизлардан ишорат».
10.30 «Ғазал соғинчи».
10.50 «Хуш келибсиз».
11.05 «Туйғуларим».
11.10 «Бокс, бокс, бокс».
11.40 «Сюрприз». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Сувости дунёсига саёҳат».
19.00 «Қонун ҳимоясида».
19.10 «Дилбарим».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Мафтункор чеҳралар».
20.15 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ханда дўкони».
21.15 «Даллас». Телесериал.
22.05 «Даракчи».
22.15 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
22.45 «Интер-футбол».
23.05 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.15 Видео—«О».
00.50 — 00.55 «Тунингиз хайрли бўлсин!».

I

18.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

23.50 Эълонлар.
23.55 — 00.10 «Ўзбекистон ботаника боғи». Телефильм.

V

10.00 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
10.45 «Спектаклдан сўнг».
11.05 Эълонлар.
11.10 «Биргаликда куйлайлик».
11.55 «Чинсэн».
12.25 «Шанба эртаги».
14.55 — 15.25 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз». («Америкага бир назар» кўрсатувига илова: инглиз тили — ҳамма учун).

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульттомоша».
19.00, 21.55 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Далил ва шарҳ».
20.15 «Авторейд».
20.25 «Рақслар қанотида».
20.50 «Эсдалик учун дастхат».
21.10 «Ассалом, Франция!».
21.35 «Хит-коллекция».
22.00 Киносалон.
23.40 «Спорт-марказ».
00.25 «Бу ажиб дунё».
00.40 — 00.50 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 25

I

5.10 «Бизни кечиринг». Бадиий фильм.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-фасл. 26-қисм.
11.40 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
12.25 «Зийнат».
12.45 «Миллий қадриятлар ва давр».
13.20 «Ҳамма кўриши шарт эмас...»
14.20 «Цирк! Цирк! Цирк!».
14.50 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
15.10 — 16.00 «Нурли келажак». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ўйла! Изла! Топ!» Телевизион ўйин.
18.40 «Санъат олами».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.50 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
20.30 «Хафтанома».
21.05 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадун Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фасл. 27-қисм.
21.50 «Янги йил базми». 2-қисм (давоми).
22.55 «Спорт, спорт, спорт».

«Аср мўъжизаси» кинодастури.

23.15 Кино янгиликлари.
23.30 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.50 «Тожмаҳал». Бадиий фильм. 2-қисм.
01.05 — 01.10 Ватан тимсоллари.

I

9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Сувости дунёсига саёҳат».
9.45 «Қонун ҳимоясида».
9.55 «Дилбарим».
10.10 «Мафтункор чеҳралар».
10.30 Дилором наволар.
10.40 «Ханда дўкони».
10.55 «Даллас». Телесериал.
11.45 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
12.15 «Интер-футбол».
12.35 Видео—«О».

* * *

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Мультипанорама».
18.35 «Сувости д

БОБУРХОНЛИК

(Аввали ўтган сонда)

Бувоқда Бобурга қатиқ таъқиб қилади. Бир ҳафта-ўн кунгача ҳамиша ғиналаб юради.

Ёз келиши билан Шайбоқхон Ўратепага ҳужум қилармиш деган хабар тарқалади. Андижонликлар Оббурдан довонидан ошиб, Масчоҳ тоғига ўтадилар. Шайбоқхон Ўратепада бузғунчилик бошлайди. Бобур тарафдорлари навкарининг озлигига ва қурол-яроқнинг етишмаслигига қарамасдан, Оббурдан довонидан ошиб, Даҳкатга тушадилар ва шайбонийлар билан олишадилар. Эртадан кечгача ёвуқ сиғиниб, яна довон ошиб қайтадилар. Тоғдан тоққа гуррас-гуррас бўлиб юрган билан на вилоят бор, на ер бор, яхшиси -- хон қошига, Тошкентга борайлик, деб ўйлайди Бобур. Қосимбек бундай режага рози бўлмайди. Қосимбек оға-инилари билан Хисор сари йўл олади. Хон қошига борган Бобур **"қўнгул тинғудек шофиқ жавоб"** топмайди. У Тошкентдан битта рубоий битиб айтади:

Ер этмас эмиш кишини меҳнатта киши,
Шоҳ этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши,
Кўнглум бу ғариблиқта шод ўлмади ҳеч,
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши.

Бир неча кундан сўнг Танбал Ўратепа устига келади. Ҳужанд дарёсининг бўйида Бобур **"ош пишириб, йигитларни ва чуҳларни шўхликка"** солади. Ўйин-кулги, базми жамшид бўлади. Ўша куни тақбандининг олтин қуллобини ўирлатади. Тонгда Хонқули Баёнқули ва яна бир киши қочиб, Танбал қошига бош уриб борадилар. Кўпчилик олтин қуллобни ўшалар ўғирлаб кетган бўлса керак, деб гумон қилади. Лекин, таъқиб қилинмайдилар. Аҳмад Қосим исмли киши ҳам ижозат сўраб Ўратепага кетади. Шу кетганча Танбалга қўшилади. Қайтиб келмайди.

Хонқули Баёнқули саккиз кишининг иккинчиси эди.

Маҳмуд ЖУРАЕВ чизган сурат

Набижон БОҚИЙ

САККИЗ КИШИ

Эссе

Яъни, у оғир дамларда Бобур суяниб, иноний қолган инсонлардан эди.

Бобур ишонган бир киши -- Қосимбек Тошкентга боришни истамасдан, яъни лафзида турмаган **"хон дода"**нинг башарасини қайта кўришни истамасдан, оғаниларини қаватига олиб Ҳисор томон равона бўлди. Иккинчи киши -- Хонқули Баёнқули эса шубҳали тарзда Ўратепага, Танбал қошига қочиб кетади.

Бобур кўнглида милтираб турган умид чироғи сўна бошлайди.

"Бу муддатким, Тошкентда эдим". Вилоят йўқ, вилоят уйидворлиги йўқ. Навкар деярли тарқалиб кетган. **"Хон додамнинг эшигига борсам, гоҳи бир киши била, гоҳи икки киши била борур эдим. Вале, яхшилиғи бу эдиким, ёт эмас эдилар, туққон эдилар. Хон додамға кўрунуш қилиб, Шоҳбегим қошиға келур эдим. Ўз уйимдек бош яланг, оёқ яланг кирар эдим. Охир мундоқ саргардонлиқтин ва бу нав бехонумонлиқтин жонға еттим. Дедимким, мундоқ душворлик била тирилгунча бош олиб итсам яхши. Бу нав хорлик ва зорлик билан эл билгунча оёғим етганча кетсам яхши"**.

Кўнгул кўчди. Илгарироқ эса ғишт ҳам қолипдан кўчган эди.

Тўққиз юзу саккизинчи ҳижрий сана бошланган эди. Темурийзодалар Тошкент билан Сайрам орасидаги Яғмон деган кентда машваратга тўпланадилар. Сўнг, Тошкентга қайтиб Андижонга -- Танбалнинг устига черик тортадилар. Оҳангарон жулгасига етилгач, Бобур ва кичик хонни илгарироқ айирадилар. Довондан ошиб Зирқон ва Карнон туманида учрашадилар. Черик ўттиз минг нафар деб тахмин қилинади. Танбал ҳам черик тўплаб Ахсикентга келади. Хонлар Бобур ихтиёрига бир пора черик беради. У Ўш ва Ўзганд сари бориб, душманнинг орқасига ўтади, ёғий икки томонлама исканжага олинади. Келишувга мувофиқ равишда Бобур Хўжанд сойини ўтиб, Ҳўқон устидан ўтиб, Қубони бостириб, Олайлуғ тоғи билан Ўш устига боради. Саҳар пайти Ўш эгаларини ғафлатда қолдиради. Ўшни топширадилар. Ўзганд эли ҳам Бобурнинг қуллуғини қабул қилади. Неча кундан сўнг Марғилон эли доруғасини қувлаб юбориб, Бобурнинг қўл остига ўтади. Танбал ҳануз Ахси билан Карнон оралиғида ўзини мудофаа этиб ўтирарди. Ғолиб ким, мағлуб ким билиб бўлмасди. Андижон эли Бобурни тилаган эди. Шу боис у Ўшдан отланиб, ярим кечаси Андижоннинг Чилдухарон /Қирққиз/ кентига боради. Вазир беклар олдинроқ жўнатилади. Уларга қўрғондаги арбобларнинг ўзлашиш топширилган эди. От устида элчилар йўлига кўз тикиб турадилар. Бирдан шовкин-суронлар кўтарилади. Ёғийнинг оз-кўпнигини билмаслик, уйқусираган эл дувурлаб қочаверади. Элни тўхтатиб бўлмайди. Бобур ёғий устига от солади. Миршоҳ қовчин, Бобо Шерзод ва Дўст Носир ҳам Бобур билан ёнма-ён борадилар. Турк кишидан ўзга эл қочмоқдан бошқа нарсани билмасди. Бир қашқа от Бобурнинг устига бостириб келади: Бобур ёғийнинг отига ўқ отади. От юмалаб кетади. Қоронғи кечада ёғийнинг кўп-озлигини билиб бўлмайди. Черик эли тумтарақай бўлиб кетган, унинг кетидан етиб қамчилаб, уриб-сўкадилар, лекин эл тийилмайди. Тўрт киши ёғийга ташланади: улар тўхтатилади. Пушта деган жойда эл ҳар тарафдан келиб тўпланади.

Қалтис пайтда Бобурнинг қаватида бўлган киши -- Дўст Носир саккиз кишининг биттаси эди.

"Менинг ўнг қўлим ёғий сари, Танбалнинг ўнг қўли бизнинг сари бўлди. Танбалнинг бир кечимдин ўзга барча яроғи бор эди. Менинг соғдоқ, қиличдин ўзга ҳеч яроғим йўқ эди. Илгимдаги ўқ била қалқонини ғарбичисиға чўклай оттим. Ушбу ҳолатта бутумға шеба ўқи била ўткара оттилар. Бошимда дубулға бўрки эди. Танбал бошимға чопти. Бошим қилич зарбидин карахт бўлди. Бовужудким, дубулға бўркининг бир тори кесилмади. Бошимға хейли яра бўлди. Қилични болдоғламайдур эдим, қинида эди. Қилич суғурғунча фўрсат бўлмади. Қалин душман ичида якка ва ёлғиз қолдим. Турар маҳал эмас эди, жиловни ёндурдим, яна бир қилич ҳам ўқларимға тушубтур. Етти-саккиз қадам ёниб эдимким, яёғ уч киши манга қотилди. Мендин сўнг Танбал Дўст Носирға ҳам қилич солғондур: бир нишона отими кейинимизча келдилар... Ариғдин кечгач, Дўст Носирнинг оти заифроқ эди, йиқилди. Туриб, они отлантириб Ҳаробук билан Фарғонанинг оралиғидаги пушта била Ўш сори бордук".

Жанг майдонида Дўст Носир Бобурни ташлаб қочмайди, балки ўлимга юзма-юз туради. Чекиниш пайтида оти йиқилиб, яёв қолган Дўст Носирни эса Бобур **"отлантириб"**, эҳтимолки, ўз отига миндириб ёғий чангалидан қутқариб кетади. **"Жангтоҳда чиниққан дўстлик"** деб шунга айтилса керак.

Жангдан сўнг Бобурни хиёнат кутиб олади: хонлар тил бириктириб, Бобурга отамерос юртни ўзаро тақсимлайдилар.

"Улуғ хонни Қўштегирмонда кўрдим. Хоннинг кўрган замон манга кирган еларни кичик хонга бердилар. Манга мундоқ узр айтурларким, Шайбоқхондек ғаним Самарқанддек шаҳрни олиб, улғайиб борадур, ушбу маслаҳат учун кичик хонни не ердин келтурубтурлар, мунда ери йўқ, ул вилоятлари йироқ. Хўжанд дарёсининг жануби -- Андижон бошлиқ вилоятларни кичик хонга бермак керакким, анда юртлағай. Хўжанд дарёсининг шимоли -- Ахси бошлиқ вилоятларни манга ваъда қилдилар. Дедиларким, мунда тўхтағондин сўнг, юруб Самарқанд вилоятини олиб, манга бергайлар. Андин сўнг Фарғона тамом кичик хонга бўлғай. Ғолибо, манга бу сўзлар фириб экандур".

"Хон дода"лар ўзи тўққиз шар шаҳзода Бобурга фириб берадилар. Бобур эса лафзни макр-ҳийла воситаси деб ўйламайди. У ҳамон Сўз билан Амал бир бўлади деб ҳисоблайди. Ҳали тажрибасиз йигит бўлсада, аммо мардона киши эди.

(Давоми бор)

Иқтидорлар — юрт бахти

МАШҲУР БЎЛГАН МАШҲУРБЕК

У билан 1997 йилнинг охирги кунларида, "Қизиқчи-97" кўрик- танловидан кейин учрашдик.

Машҳурбек Раҳмжонов бу танловнинг 8 ёшли энг кичик иштирокчиси деб топилган эди.

-- Машҳурбек катта бўлсанг, қизиқчи бўласанми энди?

-- Йўқ рассом бўламан.

-- Нимага энди...

-- Рассом бўлсам чиройли-чиройли расмлар чизаман. Ҳамма мени яхши кўради. Машҳур бўламан.

-- Машҳур бўлиш яхшими?

-- Ҳа-да, исмимга мос бўлишим керак. Бувам доим шунақа дейдилар.

Ўғлининг жажжи суҳбатини тинглаб турган Муҳаррам опа қўшилди:

-- Машҳурбекнинг туғилишининг ўзи қизиқ бўлганди. Бир куни туш кўрсам бир одам мени уйготиб: "Тур, сен ўғил туғасан, исмини Омадбек қўй, омадли бўласан",- деди.

Ўша айтилган пайтда ўғлим туғилди. Аммо олдиндан унга исм топгандим. Машҳурбек қўйдим. У етти ойлигида гапиришни биларди. Бунга менинг ўша пайтда талаба бўлганлигим балки сабаб бўлгандир...

-- Қайси қизиқчилар кўпроқ сенга ёқади?

-- Ҳожибой, Мирзо, Обид Асомов.

-- Энг зўри ким?

-- Мирзо. Уларнинг кўп аскияларини ёдлаб олганман.

-- Танловда катта-катта қизиқчиларни кўрдинг, суҳбатлашдинг...

-- Обид Асомов мени телевизор билан мукофотладилар. Ҳаммалари телевизорда кўрганимдан ҳам яхши эканлар.

-- Машҳурбек, ўзи қизиқчи бўлишингга нима сабаб бўлган?

-- Уйдаги магнитафон билан телевизор. Мирзо чиқса, Обид чиқса эшитиб ўтириб, уларнинг аскияларини ёдлаб айтиб юрардим.

-- Ўртоқларингга ҳам аскиялар айтиб берасанми?

-- Бўш қолсам, уларни кулдиришга ҳаракат қиламан. "Туркистон"чиларга ҳам битта аския айтиб берайми?

-- Майли...

-- Тўй боланики дейишади. Аммо нимагадир тўйхонага борсангиз уришишади. Тўйда бўлган бир ҳангома, ўзимизники.

Кўп отворган амакимиз ўртакашга: Артистни қаердан олиб келгансан, дебдилар. У кишим ҳам қўшиқчининг қаерда туғилгани-ю, кимнинг шогирдлигини оқизмасдан, томизмасдан айтибдилар.

-- Ў, ўртакаш, ўша артистинг ҳамма қўшиқни биладими?

-- Бўлмасамчи, у ёғи Ҳиндистон, бу ёғи Фарангистон, Ўзбекистону, Американистон. Ҳамманикини билади.

--Унда ўзбекча "Инжос"-ни айтсин.

Қўшиқчи ҳам, минг йилдан буён ўзбекман деб керилганлар ҳам ҳайрон.

-- Айтмасанг энангги Учқўрғондан кўрсатаман.

Замоннинг зўр қўшиқларидан айтишибди, бўлмабди. Шунда чилдирмакаш кел, э, деб бошлабди:

Қаро кўзим келай мардум инжос,
Мардумлигингни фан қилгил инжос.

-- Э ука бор экансан-ку. Мен айтган "Инжос" ана шу-да. Бўлди энди "Қаро кўзим"ни айтгин...

Э раҳмат...

-- Машҳурбек сенга кимлар кўпроқ ёрдам беради?

-- Онам, мактабдаги ўқитувчиларим.

-- Ана холос, мухлисларга сени таништириш ёддан кўтарилибди-ку.

-- Мени, Машҳурбек Раимжоновни истаганлар Олтинкўл туманидаги 1-ўрта мактабнинг 3-синфидан топишади.

ЛАЙЛО,
"Туркистон" мухбири

"ИШБИЛАРМОН"

АЁЛЛАР

Аёл оила аталмиш буюк бир қўрғоннинг соҳибаси. Улар ҳақида ҳар қанча ҳамду санолар айтсак кам. Аммо айрим аёллар гоҳида рўзғорни енгил-елпи, нопок йўллар билан топилган мўмай даромад эвазига тебратмоқчи бўляптилар. Улар бармоқ билан санарли бўлса-да, ачинарли ҳол. Яқинда Андижон вилояти божхона ходимлари томонидан ана шундай аёллардан икки нафари қўлга олинди. Улар Қўқон шаҳар бозоридан сотиб олинган кўп миқдордаги маргарин ва чойни ҳеч қандай хужжатларсиз Қирғизистон Республикасига олиб чиқиб кетаётганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолатлар бўйича суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

* * *

Андижон вилояти божхона ходимларининг хушёрликлари туфайли бири 40, бири эса 45 ёшлардаги икки аёлнинг тижоратлари касодга учради. Улар ҳаридоргир маҳсулотни Қирғизистон Республикаси ҳудудида сотмоқчи бўлдилар. Эрталаб Андижон бозоридан ҳаридорлар, бозорнинг ёғи қилиб, такси каласи Афсус, бозоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, улар Андижондан чиқа олишмади. "Ишбилармон" аёлларга тегишли 600 литр ўсимлик ёғи мусодара этилди..

* * *

Яқинда Тошкент вилояти 20-сонли "Ўратепа" божхона пости ходимлари томонидан шубҳа туғдирган автоулов тўхтатилди. Назоратдан кейин Тожикистон Республикаси фуқароси Маҳбуба Эргашова нархи 12000 сўмлик 5544 қутича гугуртни ноқонуний равишда олиб чиқиб кетмоқчи бўлганлиги аниқланди. Маҳсулот давлат фойдасига мусодара қилинди. Меҳмонга эса 1500 сўм жарима солинди.

* * *

Тошкент шаҳар бошқармасининг 8-сонли божхона маскани ходимлари "Тошкент-Екатеринбург" йўналишида қатновчи поезд йўловчиларини кўрикдан ўтказганида ватандошимиз, 35 ёшли Зумрад Мурасова юклари орасида 2,5 килограм "Опий" гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 273-моддаси билан жиноий иш қўзғатилди.

* * *

Чиннигул Тожикистондан Ўзбекистонга "саёҳат" қилавериб анчагина тажриба орттирди. Афсуски, кейинги "саёҳат"и унга қимматга тушди. Фарғона вилояти 2-сонли "Қўқон" божхона маскани ходимлари томонидан Тожикистон Республикаси фуқароси Чиннигул Нозировага тегишли автомашиналар тўхтатилди. Ундан "Родопи", "Фаридом", "Пине" каби жами 355000 сўмлик сигаретлар топилди. Маълум бўлишича Чиннигул ҳамтовоқлари билан бу маҳсулотларни Қўқон шаҳрига олиб бориб, пулламоқчи бўлган экан.

Хонбиби ХИММАТ қизи

Ўйлантирган фотосурат

Муносабат

КУЙ БИРЛА КИРГАН БУ ЖОН

Ўз созини чалиб, ўз сўзини айтишга интилаётган умидли шоира Гулноз қаламига мансуб шеърий тўплам "Куй билан кирган бу жон" деб аталади. Тўпламга жамланган шеърлар ўзининг чуқур мазмуни билан кўпқиррали шоира ижодини ёркин ифода этади.

Ватан, боғларингда қолсин изларим,
Музларни эритсин эрка нафасим.
Қалбимга жўр бўлгин, эй менинг созим,
Борлиққа таралсин шўх-шўх овозим.

Шоира қалбидаги Ватанга, ёрга муҳаббат унинг қатор шеърларида ўқувчи ҳукмига ҳавола қилинган. "Инсон қадри", "Бахтнинг олис йўллари" айниқса, "Аёл қалби" шеърлари ўқувчи руҳиятига ўзгача таъсир қилади.

Эрмак қилманг аёл қалбини,
Гулхан ёқиб, қовурманг зинҳор.
Макр билан банд этиб уни,
Сўнг хазондек совурманг зинҳор.

Гулнознинг илк шеърлари республика матбуотида босила бошлаганига йигирма йилдан ошди. Шундан бери у китобхонларга манзур бўладиган шеърлар яратиш умидида қалам тебратмоқда, унинг мухлислари тобора кўпаймоқда.

Шоира қаламига мансуб энг сара шеърлардан ташкил топган тўпламдаги "Алла айтинг" шеъри китобхон қалбини энг эзгу туйғуларга тўлдиради.

Алла айтинг, айтинг онажон,
Куйланг садоқатнинг эртакларини,
Авайлангиз бешикда ётган
Келажакнинг куртакларини.

Шеърият бўстонининг энг сара гулларидан гулдасталар тузиш иштиёқида қалам тебратаётган шоира ижоди тобора сайқаллашиб, ўқувчилар қалби тўридан жой олмоқда. Унинг режалари, орзу-умидлари катта. Республикамизнинг истиқболи, ёркин мунаввар ҳаёти, бахтиёр халқимиз ва унинг шарафли меҳнатлари шоира шеърларида акс этишига умид қиламиз.

Қумри АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори

ОРЗУ ДАРАХТИ

Болалик оламини ортда қолдирган одам борки, уни соғиниб, кўмсаб яшайди. Чунки болаликнинг осмони беғубор, тонглари оппоқ, тунлари эса сеҳрга тўла. Қалби тонгги шудрингдек тоза, кўзларида ҳайрат чақнайди. Ўзини қуршаб турган оламни, ундаги одамларни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилади. Шунинг учун ҳам Абдусаттор Ҳотамовнинг "Сеҳрли кўзойнак" ("Наврўз", 1997) тўпламидаги ҳикоялар қаҳрамонлари адолатпарвар, ҳақиқатнинг ғалабаси учун катта мансабдор одамлар билан баҳслашишга, курашишга тайёр.

Адиб ҳикоялари қайси услубда яратилмасин -- воқеаларни болаларнинг тилидан ёки ёзувчи ҳикоя қиладими, бундан қатъий назар, қаҳрамонлар ўзларидаги хусусиятларни очиқ намоён қила олади.

Маълумки, болалар жониворларни жони-дилидан яхши кўришади. Энг умри қисқа капалак ҳам, баҳайбат фил ҳам улар учун бирдек азиз. Жониворларга бўлган ана шу боларча муҳаббат, ачиниш, ҳамдардлик ҳисси адибнинг "Баланд учган турналар", "Тилла занжир", "Чайлада" каби ҳикояларида маҳорат билан акс эттирилган.

Адибнинг "Чайлада" ҳикояси қаҳрамони ҳам фазогир бўлишни, осмону фалакка учишни, ўзга сайёраликларни кўришни орзу қилади. Юқорида таъкидлаганимиздек, унинг орзуси аниқ-равшанликдан узилмаган мақсаддир. Шунинг учун ҳам отаси унинг яхши ўқиши учун ўзига ёрдам беришдан озод қилганида хурсанд бўлиб кетади:

"Энди мазза! Шаҳарга тўгараккa қатнайман. Аъло ўқийман. Институтга кираман.

Полиззор нима бўлади дейсизми? Албатта, униям унутаман, балки осмонга учишдан олдин қовун-тарвуз узадиган машина ўйлаб топарман".

"Сеҳрли кўзойнак" тўпламининг "Орзулар дарахти" ҳикояси билан бошланиши ҳам бежиз бўлмаса керак. Бу ҳикоя асосида ётган воқеа ҳам, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати ҳам юқоридаги фикрларга ҳамоҳанг. Мазкур ҳикояда оромгоҳга келган Сарварнинг учувчи бўлиш орзуси, шу орзу йўлида чеккан машаққатлари, болалик оламига хос беғубор туйғулар ифодаланган. Сарвар ўз орзусининг ушалиши учун ҳар қандай машаққатга тайёр. Шунинг учун ҳам у не-не қийинчиликларни енгиб ўтиб, баланд тоғ чўққисидаги Орзу дарахтини топади. Эшитишича, шу дарахтга айтилган ҳар қандай орзу амалга ошар экан. Аммо Сарварнинг барча чеккан машаққатлари зое кетади. Чунки у ниятига етолмайди. Одам ўз орзусига етишиш учун кўп нарсани ўрганиши, қунт билан билим олиши зарурлигини англаб етади. Орзусининг ушалиши, афсонанинг ҳақиқатга айланиши учун тинмай ўқиб, изланган Сарвар йиллар ўтиб, ўз ниятига етади. Ўзи орзу қилганидекулкан ҳаво кемасида осмону фалакка парвоз қилади.

Т. ҚУРБОН,
филология фанлари номзоди

ЮЛДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

ҚЎЙ. Орзу ва ғояларни амалга ошириш вақти келди. Ижодкорларга омад кулиб боқади. Тижоратчиларга кутилмаган даромадлар оқиб кела бошлайди.

БУЗОҚ. Агар янги иш бошламоқчи бўлсангиз, пайсалланманг, яхши натижаларга эришасиз. Майда-чуйда ҳиссиётга берилманг.

ЭГИЗАКЛАР. Ота-онангизга ғамхўр бўлинг, уй ишлари билан кўпроқ шуғулланинг. Сафарлар билан боғлиқ амалий алоқаларни ўрнатинг. Агар ёлғиз бўлсангиз, ҳаётингизни яхшилашга интилинг.

ҚИСҚИЧБАҚА. Қарз беришга шошилманг. Қайтаришда муаммолар тўғилиши мумкин. Дўстларингиз ёки узоқ танишларингиз билан бўладиган кутилмаган учрашув ва ҳодисалар руҳингизни кўтаради.

АРСЛОН. Тақдирингиздаги тасодифий ўзгаришлар ҳаётга жиддий қарашингизни тақозо этади. Фикрлар тиниқлашиши ва мажозий тушлар кўришингиз мумкин.Бунга кўп эътибор берманг.

ПАРИЗОД. Жиддий сафарлар ва учрашувларни режалаштирманг. Бахт қуши ўзи келиб қўнади. Турмуш тарзингиз, кундалик режаларни ўзгартиришингиз мумкин.

ТАРОЗУ. Севикли кишиларингиз ва яқинларингиз билан ўртангиздаги хафагарчиликлар, муаммоли муносабатларни унутинг. Барча жиддий ишларни келгусига қолдиринг.

ЧАЁН. Ўзингизни ҳаддан ортиқ уринтирманг бу бошланган ишга зарар келтириши мумкин. Дўстлар ва ҳамкорлар билан муносабат ютуқлар гаровидир.

ЎҚОТАР. Энг яхши истакларингиз рўёбга чиқади. Катта маблағни қўлга киритиш учун сизда имконият бор. Шахсий қатъият ва матонат туфайли қийин режаларни ҳам амалга ошира оласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Муваффақиятлар ва бахтга эришиш учун ички ҳиссиётларга берилманг. Тўқнашувлар, баҳслардан йироқ бўлинг. Тақдир ўзи сизни қўллайди.

СУВ ПАРИСИ. Дўстларнинг доно маслаҳатига муштоқ бўласиз. Истаклар воқеликка мувофиқ келмайди. Шахсий муаммоларни ҳал этиш учун ташаббускор бўлинг.

БАЛИҚ. Уй муаммолари ва хўжалик масалаларини муваффақиятли ҳал этасиз. Вақт тезкорликни талаб этади.

Яккасарой туманидан Зияева Холида номига берилган №1100632 рақамли "Хусусий талбиркор"гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир: Гулноза АХМАДЖОНОВА

ТАҲРИРИЯТ: Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97; хатлар бўлими — 136-54-64; тижорат бўлими — 133-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 136-54-64; спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, котибият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй. Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012 «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Буюртма Г. — 0894. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳажми — 2 табоқ. Тираж: 11.024. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти —21.30

1 2 3 4 5 6